

## АҲОЛИНИ САНАТОРИЯ - КУРОРТ ЁРДАМИДАН БАҲРАМАНД БЎЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ОШИРИШГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

Мадаханов Акбаржан Сабиржанович<sup>1</sup>, Шаматов Ислом Якубович<sup>2</sup>, Халилов Иззатилло Хамидjon ўғли<sup>1</sup>  
1 – Андижон давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Андижон ш.;  
2 – Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.;

## ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ ПОВЫШЕНИЯ ДОСТУПНОСТИ САНАТОРИО- КУРОРТНОЙ ПОМОЩИ НАСЕЛЕНИЮ

Мадаханов Акбаржан Сабиржанович<sup>1</sup>, Шаматов Ислом Якубович<sup>2</sup>, Халилов Иззатилло Хамидjon угли<sup>1</sup>  
1 - Андижанский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Андижан;  
2 - Самаркандинский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самаркандин

## INNOVATIVE APPROACHES TO INCREASING THE AVAILABILITY OF SANATORIUM - RESORT ASSISTANCE TO THE POPULATION

Madakhon Akbarjan Sabirjanovich<sup>1</sup>, Shamatov Islom Yakubovich<sup>2</sup>, Khalilov Izzatillo Khamidjon ugli<sup>1</sup>  
1 - Andijan State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Andijan;  
2 - Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: [madaxanovakbarjon@gmail.com](mailto:madaxanovakbarjon@gmail.com)

**Резюме.** Ушбу мақолада аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаши ва мустаҳкамлашида санатория -курорт ёрдамининг ўрни ва роли бекиёслиги таъкидланган. Айни пайтда, аҳолининг ушбу тиббиёт муассасаларининг даволаши-согломлаштириши ҳусусиятларидан фойдаланиши имкониятлари чегараланганилиги кўрсатиб ўтилган. Аҳолининг сиҳатгоҳлар ёрдамидан фойдаланиши имконияти интеграль кўрсаткич эканлиги ва шунинг учун ҳам у демографик, ижтимоий-иқтисодий ва бемор организмининг морфо-функциональ ҳолатига боғлиқлиги таъкидланган. Аҳолининг турли гуруҳларига мансуб кишиларининг сиҳатгоҳлар ҳизматидан фойдаланиши имкониятларини оширишга оид фикрларини ўрганиш ва таҳлил қилиши асосида шаклланган илмий-амалий тавсиялари ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар.** “Хонобод”сиҳатгоҳи, алоқадорлик, имтиёзли кредит, этио-эколого-патогенетик ёндашув, “САНАТОРИЯ” номли кам процентли кредитлар, мақсади “САНАТОРИЯ КРЕДИТИ”.

**Abstract.** This article highlights the role and role of Sanatorium-resort assistance in maintaining and strengthening the health of the population in Sihat. At the moment, it is shown that the population has limited opportunities to use the treatment and wellness specialties of these medical institutions. It has been argued that the ability of the population to use the help of doctors is an integral indicator, and therefore it depends on the demographic, socio-economic and Morpho-functional state of the patient's organism. Scientific and practical recommendations of people belonging to different groups of the population have been developed, formed on the basis of the study and analysis of their views on increasing the possibility of using the services of workshops.

**Keywords.** "Khanabad" health resort, affiliation, preferential credit, etio-ecologo-pathogenetic approach, low-cost loans named "sanatorium", targeted "sanatorium credit".

**Тадқиқотнинг долзарблиги.** Замонавий сиҳатгоҳлар, уларнинг фаолияти мазмун ва моҳияти билан табиат, жамият, инсон тафаккури шаклланиши ва ривожланиши жараёнларининг ўзаро боғлиқ ва алоқадорлиқда кечишининг кичик модели сифатида намаён бўлишини кўриш қийин эмас [3, 4]. Инсон саломатлиги, бугунги кунда, миқдор ва сифат жиҳатидан сонсиз-саноқсиз омиллар таъсирида шаклланаётганлиги, сақланаётганлиги ва мустаҳкамланаётган-лигини таъкидлаш ўринлидир. Бу борада табиий-иқлим шароитларининг инсон организмига кескин таъсирини пасайтириш, жамиятда ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳатлар ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳизматнинг барча қирралари (аспектлари) илмий жиҳатдан асосланган бўлиши сиҳатгоҳлар фаолияти самарадорлигининг гарови, деб ҳисоблаймиз [1, 2, 5, 6].

**Тадқиқотнинг мақсади.** Сиҳатгоҳлар қувватидан тўла фойдаланиши таъминлайдиган, ва ушбу тиббиёт муассасалари фаолиятини

ташкил этиш ва бошқаришнинг самарадорлигини оширишга доир, илмий асосланган тавсиялар мажмуасини яратиш.

**Материал ва тадқиқот усуллари.** Тадқиқот “Хонобод” сиҳатгоҳида, 2019-2022 йилда ўтказилган даволаш-сосоғломлаштириш амаллари ҳақидаги ва беморлар орасида ўтказилган, уларнинг фикрларини ўрганиш – социологик усуллар билан йиғилган маълумотларни таҳлил қилишдан иборат бўлди. Бунда, сиҳатгоҳ фаолиятининг тиббий самарадорлиги, бемор сиҳатгоҳдан чиқиб кетаётган куни ҳолатига ўрганиш ва таҳлил қилишда танлов мажмуасининг репрезентативлигини таъминлаш учун, сиҳатгоҳда жами 342 bemorga юритилган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 12 мартағи 106-сонли буйруғи 1-иловаси билан тасдиқланган №003-2/х-тиббий хужжат шакли – **ДАМ ОЛУВЧИНИНГ СОҒЛОМЛАШТИРИШ БАЁНИ № \_\_\_\_\_** да қайд этилган маълумотлардан кўчириб олинган

материаллар ўганилди ва таҳлил қилинди. Бунда, Касалликлар ва ҳолатлар-11 классификацияси қўлланилди. Сиҳатгоҳ фаолиятининг тиббий, ижтимоий ва иқтисодий самараదорлигининг 1 йилдан кейинги ҳолати ўрганилганда ҳам ушбу классификацияси қўлланилди. Бунда, сиҳатгоҳнинг тиббий ва ижтимоий самараదорлиги, жумладан ҳаёт сифати ўрганилганда учта атрибутив, жумладан яхшиланган, ўзгаришсиз ва ёмонлашган каби кўрсаткичлар билан баҳоланди. Тадқиқотнинг бу қисмида, танлов мажмуасининг репрезентативлиги таъминлаш учун 118 нафар беморларда ўтказилган маҳсус саволномага жавоблар таҳлил қилинди. Сиҳатгоҳнинг айrim функциональ бўйимлари фаолиятидан беморларнинг қониқканлиги ва қониқмаслик сабабларини ўрганиш ва таҳлил қилишда 148 bemorларда ўтказилган саволномадаги жавоблар таҳлил қилинди.

**Тадқиқот натижалари.** Сиҳатгоҳ фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиши даврида (2019 – 2022 йилларда), бу ерга келувчиларнинг сони йил сайн ошиб борганлигини, аммо 1919 йилга нисбатан 2020 йилда 76,2%, 2021 йилда 91,3% ва 2022 йилда 96,5 % ни ташкил этганлиги кузатилди . Кўриниб турибдики, сиҳатгоҳга келувчиларнинг сони 2019 йилга нисбатан, нафакат ошиб борган, аксинча тенг ҳам бўлган эмас. Таҳлил давомида , эътиборни ўзига тортган яна бир масала шу бўлдики, ўтган йиллар давомида сиҳатгоҳнинг аҳолига ҳизмат қилиш қувватининг белгиланган (6480 мижозга) сонидан тўла фойдаланилмаганлиги аниқланди. Жумладан, ушбу кўрсаткич 2019 йилда 51,1%га, 2020 йилда 38,9% га, 2021 йилда 46,6% га ва 2022 йилда 49,3% га бажарилган. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, bemorларнинг ушбу масканда даволаниш-соғломлаштирилиши давомийлиги йилнинг мавсумига боғлик бўлмаслиги, ва ўртacha 6,3 кундан ошмаганлиги қайд этилди (7-жадвал). Юқорида келтирилган маҳлумотлар, эндигина иш бошлаган “Хонобод “ сиҳатгоҳи фаолиятининг барча кирраларини тизимли ёндашув ва тизимли таҳлил принципларига таянган ҳолда ўрганиб чиқишни тақозо этди.

Тадқиқотимизнинг танлов статистик мажмуасида олиб борган ўрганиш ва таҳлилларимиз сиҳатгоҳга келувчилар оқимини ташкил этганлар жинси, ёши ва ижтимоий мақоми жиҳатидан фарқ қилишидан далолат берди. Ушбу ҳол, аввало сиҳатгоҳга келувчилар оқимида аёллар салмоғининг катталигига намоён бўлди. Жумладан, 2019 йилда сиҳатгоҳга келганларнинг 65,0% аёллардан ташкил топган бўлса, 2020 йилда ҳам , ушбу кўрсаткич юқори бўлди(56,4 %). Эркаклар 2019 йилда 35,0 % ни ва 2020 йилда 56,4% ташкил қилди. Ушбу тенденция

кейинги йилларда ҳам сақланиб қолди. Сиҳатгоҳда, жами даволанган ва соғломлаштирилганлар структурасида салмоғи жиҳатидан энг кўп қисмини нафакаҳўрлар(31,9%) ва ҳизматчилар (22,8 %) ташкил қилди. Ушбу маскан ҳизматидан фойдаланган ишчиларнинг салмоғи 17,8% дан ошмаганлиги аниқланди . Даволанган ва соғломлашти-рилганлар орасида ҳар ўнинчиси тадбиркор (10,2 %) эканлиги қайд этилди. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда сиҳатгоҳлар ҳизматидан баҳраманд бўлганлар орасида фермерларнинг салмоғи (2,1%) уй бекалари (7,9%) ва ҳатто ҳеч қаерда ишламайдиганлардан (6,1%) ҳам кам эканлиги эътиборга молик ва мулоҳаза қилишга арзиди. Албатта, ушбу сиҳатгоҳда дам олиб, асабларига куч-кувват оладиганлар орасида талабалар жуда камчиликни (1,2%)ни ташкил қилганлиги маълум бўлди. Тадқиқотимизнинг танлов мажмуасида олинган малумотлар таҳлили кўйидагиларни кўрсатди. Сиҳатгоҳга даволаниш ва соғломлаштириш мақсадида келганларда қайд қилинган касалликлар таркибида ҳаракат-таянч аппарати ва қўшувчи тўқима касалликларининг салмоғи (32,74%) катта эканлиги маълум бўлди. Салмоғи жиҳатидан, асаб тизими касалликлари (23,39) иккинчи ва қон айланиш тизими касалликлари (16,66%) учунчи ўринда қайд этилди. Сиҳатгоҳда даволанган ва соғломлаштирилганлар орасида сийдик-таносил тизими касалликлари салмоғи жиҳатидан (7,60%) тўртинчи ўринни эгаллади. Нафас олиш аъзолари тизими касалликларининг салмоғи 6,14% ва эндокрин тизимининг касалликлари, озиқланиш ва модда алмашинувнинг бузилишлари 5,26% ташкил этиди.

Тадқиқотимизнинг статистик мажмуасини ташкил қилган жами bemorларда ушбу кўрсаткич 86,0% холларда уларнинг умумий аҳволи яхшиланганлиги , 11,0% ҳолда ўзгаришсиз ва 3,0% ҳолда ҳатто ёмонлашгани қайд этилди. Самараదорлик кўрсаткичи бошқа омиллар билан бир қаторда, аввало сиҳатгоҳдан ўтган bemorларда учраган касалликларга боғлик бўлиши тадқиқот давомида яна бир бор тасдиқланди. Жумладан, даволаниш ва соғломлаштириш жараёнида умумий аҳволи яхшиланганлар салмоғи нафас олиш аъзолари тизимининг касалликларида 96,0%, асаб тизими касалликларида 92,0% дан иборат нисбатан энг юқори кўрсаткични берди. Сиҳатгоҳда даволаниш ва сғломлаштириш ҳаркат-таянч аппарати ва қўшувчи тўқима касалликларида (89,0%), сийдик -таносил аъзолари тизими(89,0%) ҳам ўзининг ижобий самара бериши кузатилди. Ушбу сиҳатгоҳда қон айланиш тизими касалликлари билан ҳасталанган bemorларда ўтказилган комплекс даволаш-соғломлаштириш

муолажаларининг натижасида 88,0 % холларда уларнинг умумий ахволи яхшиланганлиги билан якунланди. Тиббий самарадорлик кўрсаткичи эндокрин тизимининг касалликлари, озиқланиш ва модда алмашинувнинг бузилишларида ҳам нисбатан юкори эканлиги тасдиқланди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу сихатгоҳдаги яратилган ва ўтказилган даволаш-соғломлаштириш муолажалари овқат ҳазм қилиш аъзолари тизимида тиббий самарадорлик юкори бўлмаганлиги қайд этилди. Бу синф касалликларида беморарнинг фақат 64,0% умумий ахволлари яхшиланганлигини таъкидлашди. Умумий ахволида ўзгаришлар кузатилмаган bemорлар жами bemорлар орасида 11,0% ни ташкил этди. Фикримизча, сихатгоҳда соғломлаштириш даврида умумий ахволи оғирлашиб қолган bemорларнинг умумий сони гарчанд камчиликни ташкил қиласада, бу гурӯх вакилларининг соғлиғига таъсир қилувчи омилларни репрезентатив статистик мажмууда ўрганиб чиқиш мақсадга муюфик, деб ҳисоблаймиз. Инсон доим соғ-саломат бўлишликка ва ўзганинг ёрдамига муҳтожликдан форик ҳолда ҳаёт кечиришликни орзуси билан яшайди, шунга интилади. Касаллик ва шикастланишлар туфайли, ана шундай нематлари чегараланиб қолганда, ҳаёт сифатининг пасайиши кузатилади. Тадқиқотимизнинг ушбу масалага бағишлиган қисмидан қуйидагилар маълум бўлди. “Хонобод “ сихатгоҳида 2021 йилда ўтказилган даволаш-соғломлаштириш амалларининг ижтимоий самарадорлигининг 1 йилдан кейинги ҳолати ҳакида асаб тизими касалликлари билан ҳасталанган респондентларнинг 90,9% ҳаёт сифати яхшилаганини таъкидлашди. Ушбу кўрсаткич нафас олиш аъзоларининг касалликлари бўйича даволангандарда 89,5 % ва қон айланиш тизими касалликларида 88,6% ни ташкил этди. Харкат-таянч аппарати ва қўшувчи тўқима касалликлари бўйича сихатгоҳда даволангандарда ушбу кўрсаткич (80,6%) нисбатан пастрок эканлиги қайд этилди. Сихатгоҳда ўтказилган даволаш-соғломлаштириш муолажаларидан сўнг ҳам бир йил давомида bemорларнинг ҳаёт сифати яхшилигича қолиши кўрсаткичидаги фарқлар нафақат касалликларнинг турларига, балки сихатгоҳ шароитининг каслликка мос келишига боғлиқлиги билан тушунтириш мумкин.

“Хонобод “ сихатгоҳида 2021 йилда ўтказилган даволаш-соғломлаштириш амаллари иқтисодий самарадорлигининг 1 йилдан кейинги ҳолатини, bemорларнинг дори-дармон сотиб олишга қилган сарф-харажатлари миқдоридаги ўзгаришларни ўрганиш мисолида, тахлил қилганимизда, умуман олганда жами даволаниб-соғломлаштирилган ларнинг ҳар учунчиси ўзгаришлар юз бермаганини хабар килишди. Дори-дармонлар сотиб олишга қилган сарф-харажатлари миқдорининг ошганлигини респондентларнинг ҳар ўнинчисида қайд этилди.

Беморларнинг “Хонобод“ сихатгоҳида ўтказилган даволаш-соғломлаштириш амаллари иқтисодий самарадорлигининг 1 йилдан кейинги ҳолатини, bemорларнинг дори-дармон сотиб олишга қилган сарф-харажатлари миқдоридаги ўзгаришларни ўрганиш мисолида, тахлил қилганимизда, умуман олганда жами даволаниб-соғломлаштирилган ларнинг ҳар учунчиси ўзгаришлар юз бермаганини хабар килишди. Дори-дармонлар сотиб олишга қилган сарф-харажатлари миқдорининг ошганлигини респондентларнинг ҳар ўнинчисида қайд этилди.

Беморларнинг “Хонобод“ сихатгоҳида ўтказилган даволаш-соғломлаштириш амаллари ва тадбирлардан қониқиши ҳосил қилганлигига қараб тақсимланганда қуйидаги натижалар олинди. Санаторияда ўтказилган даволаш-соғломлаштириш муолажалари ва тадбирлардан қониққанлар, бугунги кунда бирон жойда ишламайдиганлар орасида энг кўпчиликни ташкил қилди (95,7%). Ушбу кўрсаткич нафакаҳўрлар орасида ҳам кўп қайд қилинди (83,3%). Тадбиркорларнинг (85,0%), (81,8%) ва ҳизматчиларнинг (76,9%) сихатгоҳда ўтказилган даволаш-соғломлаштириш муолажалари ва тадбирлардан қониқиши ҳосил қилганлиги маълум бўлди.

Респондентларнинг сихатгоҳнинг айrim функционал бўлимларининг ишидан қониқиши ҳосил қилмаслигининг асосий сабаблари сифатида қуйидагилар қайд қилинди: -сихатгоҳга келган куни муолажаларни тўла ололмаслик ; - сихатгоҳда биринчи кабулда шифокор узок вактини ёзув ишларига сарфлаши; - сихатгоҳ ошхонасида менюда таомга ишлатилган масаликларнинг миқдори курсатилмаганлиги; - сихатгоҳ ошхонасида янги сабзавотлардан шарбатлар тайёрланмаслиги;-шифобахш ўсимликардан ванналар ташкил қилинмаганлиги ; - сихатгоҳда шифобахш лой ва қум билан даволаш йўлга кўйилмаганлиги; - сихатгоҳда турли хил шифобахш минераль сувлар билан

даволаш йўлга кўйилмаганлиги; - сиҳатгоҳда Хонабод шаҳрининг эътиборли жойларга саёҳатлар кам ташкил этилиши таъкидланган.

Сиҳатгоҳда дам олиш ва даволаниш хизматларининг бир кунлик нархини мижозлар учун камайтириш мақсадида : - сиҳатгоҳда фаолият юритаётган барча функционал бўлимлар фаолиятига рақамлаштиришга асосланган технологияда иш юритишни жорий этиш (74,0%); - электр энергиясидан тежамли фойдаланиш учун автоматик режимда ишлайдиган технологияга ўтиш (90,0%); - шамол ва қуёшда ёрдамида ишлайдиган электр энергияси таъминотидан фойдаланиш амалиётiga ўтиш лозим(95,0%).

Сиҳатгоҳда дам олиб, даволаниб кетгандан кейинги 1-3 йил давомида касаллик хуружининг, ривожланиб кетишининг олдини олишдаги ролини аниқлаш учун ушбу маскан билан мижоз ўртасида алоқа узвийлигини таъминлаш зарур (77,0%). Сиҳатгоҳда дам олиб, дам олиб, даволаниб кетгандар ўртасида алоқаларни тўхтатмасликни таъминлаш орқали ҳам сиҳатгоҳда ўринлардан унумли фойдаланишга эришиш мумкин (83,0%). Оила аъзолари орасида санатория - курорт шароитида даволанишга эҳтиёж сезаётганлар борлигини ва бунинг сабаби 31,4 % ҳолларда сурункали касаллиги ва 45,7 % ҳолларда асаблари чарчаганлиги туфайли эканлиги таъкидланди. Ушбу кўрсаткичлар ахолининг санатория-курортлар ҳизматидан фойдаланишга бўлган эҳтиёжлари қондирила олмаётганлигининг демографик, ижтимоий-иқтисодий ва психологик аспектларини тизимли ёндошиш принципларига асосланган ҳолда тадқиқотлар олиб боришининг накадар долзарблигига ишора қилмоқда. Яқин уч йилда оиласиз аъзоларида эҳтиёж бўла туриб санатория-курорт шароитида дам олиб, даволаниб келмасликларининг сабабларини, мумкин қадар, кўрсатсангиз, мазмунли саволга жавобларига қараб, респондентлр қуидагича тақсимланди: - оиласидаги молиявий этишмаслик - 43%; - фарзандларни уйлаш-жойлаш, айниқса турмушга чиқариш, миллий урф одатларимизга кўра турли ҳил сабаблар билан ўтказиладиган **“ЭЛГА ДАСТУРХОН ЁЗИШЛАР”** га кетадиган сарфлар-харажатлардан ошинмаслик -32%; - сурункали касалликлар билан ҳасталangan оила аъзоларимизни даволатиш билан боғлиқ саф ҳаражатлар -7%; авто-ҳалокатлар билан боғлиқ катта-кичик ҳаражатлар -\_13%; - бошқа сабаблар: -3,0%. Аҳолиниг санатория курорт ҳизматидан фойдаланишга бўлган эҳтиёжини қондиришда давлат томонидан, биринчидан - 72,0 % респондентларнинг фикрича сиҳатгоҳларда дам олмоқчи ва даволанмоқчи бўлганлар учун “САНАТОРИЯ” номли кам процентли кредитлар берилишини ташкил этиш мақсадга мувофиқ;

иккинчидан - -67 % респондентларнинг фикрича эса, санаториялар ички ва ташқи имконларидан келиб чиқиб, ўз ҳисоб рақами доирасида очилган ва **фақат САНАТОРИЯ билан МИЖОЗ ўртасидагина амал қиласидиган мақсадли “САНАТОРИЯ КРЕДИТИ” муюиласини** йўлга кўйилиши муаммони ҳал қилишда самарали усул бўлади. Ушбу масалада бошқа, жумладан молия органлари рухсат бермайди каби фикр ва таклифларни билдирганлар - 22,0% ташкил этди. Маълумки, бугунги кун талабалари нинг яшаш шароити ва турмуш тарзи, айниқса билим олиш ва ўзларида амалий қўнкимларини тўлақонли хосил қилиш билан боғлиқ уларнинг соғлиғига бевосита ёки билвосита салбий таъсир этадиган омиллар куршовида умргузаронлик қилишади. Сўнги йилларда, юртимизда талабалар сонининг ортиб бораётганлиги (тенденцияси) кузатилмоқда. Талабаларнинг соғлиғини сақлаш давримизнинг долзарб муаммоларидан бирига бормоқда. Ушбу муаммони ечишда, бошқа тадбирлар қаторида, “АҲЛО “ва “ЯҲШИ “ баҳоларга ўқийдиган иқтидорли талабаларни қишки ва ёзги таътил мавсумида санатория - курорт шароитларига рағбатлантирувчи йўлланмалар орқали юборишини амалиётга кенг равишида тадбиқ этиш таклифини қувватлайсизми мазмундаги саволга жавоб берганларнинг 78,0% таклифни ўринли ҳисоблашлари ва қувватлашларни билдириши. Респондентларнинг 22,0 % - эса, таклифни ўринисиз ҳисоблашиб, қувватламадилар. Респондентларнинг 59,0 % ининг фикрича, инсон оила қурганидан кейин, ҳар 5 йилда камидан 1 маротаба, турмуш ўртоғи билан санатория шароитида, дам олиб, даволаниб келишга боришини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Чунки сайдларга, дам олиш масканларига ва сиҳатгоҳларга оиласидаги бўлиб бориши, оиласидаги асабий тарангликларни юмшатади, оила барқарорлигини таъминлашда мухим омил бўлиб ҳизмат қиласиди.

**Мухокама.** 2019 йилдан ўз фаолиятини бошлаган “Хонобод” сиҳатгоҳи, тикланиш даврининг дастлабки йилларида, белгиланган йиллик қувватидан тўлақонли фойдаланишга эриша олинганича йўқ. Бунинг асосий сабаби аввало аҳолининг кўпчилик қисми сиҳатгоҳ фаолияти ва унинг афзалликларидан етарича ҳабардор эмасликларига ва бу масканга келувчилар оқимининг мавсумий характеристга эга эканлиги билан боғлиқ. Сиҳатгоҳнинг самарадорлигини оширишда қуидаги инновацион ёндашувлар, жумладан аҳолини даволаш ва соғломлаштиришда ташкилий жихатдан кластер тизимида ишлайдиган, этио-эколого-патогенетик ёндашувга асосланган равишида фаолият юритишни ва бунда Андижон

вилояти Хонобод шаҳри қир-адирликларида жойлашган “Хонтахт” бағрида ўсаётган арчазорлар ҳавосининг қатор касалликлардан форик бўлишда бекиёслигидан ва пелоидтерапия, псаммотерапия, саамалтерапия каби табиий шифобаҳаш воситалардан фойдаланишини кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб хисоблаймиз. Инсон сиҳат-саломатлигини сақлаш, мустаҳкамлаш ва тиклашда дам олиш масканлари, айниқса сиҳатгоҳларнинг аҳамияти бекиёс. Ҳар бир оиласда сиҳатгоҳлар имкониятларида фойдаланишини орзу қилмаган инсон бўлмаса керак. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу орзунинг рӯёбга чиқиши қатор омиларга боғлиқ. Аввало ҳар бир оила, унинг аъзоларида сиҳатгоҳлар ҳизматидан фойдаланиш фикри шаклланиши ва уни амалга оширишга интилиш бошланиши керак. Аҳолининг сиҳатгоҳлар ҳизматидан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш ва бу борадаги имкониятларини кенгайтиришга доир тавсияларини ишлаб чиқишида турли ҳудуд ва шароитларда яшайдиган оиласларнинг фикрларига таяниш мақсадга мувофиқ, деб хисобладик. Инсон сиҳат-саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда дам олиш масканлари, айниқса сиҳатгоҳларнинг аҳамияти катта. Айни пайтда, ушбу мақсадли жараён, сиҳатгоҳ фаолиятининг кўп томонларига боғлиқ. Сиҳатгоҳнинг жозибадорлиги, бу ердаги имкониятлар БУГУНГИ – XXI АСР МИЖОЗИННИНГ ЭҲТИЁЖ ВА ТАЛАБЛАРИНИ қондира оладиган СИФАТ ВА КЎЛАМДА таъминланган бўлишини тақозо этади. Сиҳатгоҳлар фаолиятининг сифатини яхшилаш ва самарадорлигини оширишга доир тавсияларни ишлаб чиқишида, мижозларнинг фикр ва мулоҳазаларига таянишни мақсадга мувофиқ ҳисоблаймиз.

**Хулосалар.** Сиҳатгоҳларнинг инсон сиҳат-саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдаги ўрни ва роли бекиёслиги эътироф этилиши билан бирга, аҳолининг ушбу муассасаларнинг даволаш-соғломлаштириш ва рекреация дестинациялари сифатидаги ҳизматидан баҳраманд бўлиш имкониятлари чегараланганлигини аниқланди. Ушбу қонуниятли ҳолатнинг келиб чиқиши асосида, сифат ва миқдор жихатидан фарқ қиласидиган, қатор омиллар мажмуаси, жумладан ижтимоий-иқтисодий омиллар ётиши қайд этилди. Сиҳатгоҳлар фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда аҳолининг соғлигини сақлаш, тиклаш ва мустаҳкамлаш – бош мақсад даражасида қаралиши ва унга эришишда, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашув принципларига таянган инновацион чора -тадбирлар мажмуасини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ, деб хисоблаймиз.

## Адабиётлар:

1. Бабаскин Д. В., Электрофорез, ультрафонографез, пелоидотерапия с фитокомплексом в реабилитации больных остеоартрозом: [медицинские технологии: пособие / Д. В. Бабаскин, к.м.н., доц., врачфизиотерапевт]. - Москва: Янус-К, 2013 (Москва: Информ-Софт). - 124с.
2. Винокуров Б. Л., Бальнеотерапия компьютерной болезни и синдрома генерализованной утомляемости от сотовой связи / Б.Л. Винокуров. - Сочи: Минеральные воды Отечества, 2014. - 420 с.
3. Дерябин, А.В., и др. Теория и методика формирования и развития медицинского туризма региона на основе кластерного подхода. Монография. Челябинск, 2018.
4. Криворучко, В.И. Санаторно-курортная сфера: расширение функциональной роли в социально-экономическом развитии / В.И. Криворучко, В.Р. Иванченко, Б.Т. Ковеза // Монография. Сочи-2015, 158с.
5. Лучкевич В.С., Качество жизни и здоровье населения: электронный сборник материалов научно-практической конференции, посвященной 90-летию кафедры общественного здоровья и здравоохранения / под редакцией з.д.н. РФ, проф. В.С. Лучкевича. – СПб., 2014. – 351 с.
6. Рубанова Е. Ю., Психическое здоровье и субъективная оценка качества жизни / М-во образования и науки Рос. Федерации, Федер. гос. бюджет. образоват. учреждение высш. проф. образования "Тихоокеан. гос. ун-т". - Хабаровск: Изд-во ТОГУ, 2014. - 107 с.

## ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ ПОВЫШЕНИЯ ДОСТУПНОСТИ САНАТОРНО-КУРОРТНОЙ ПОМОЩИ НАСЕЛЕНИЮ

Мадаханов А.С., Шаматов И.Я., Халилов И.Х.

**Резюме.** В данной статье подчеркивается несравненная роль и место санаторно-курортной помощи в сохранении и укреплении здоровья населения. Вместе с тем, указывается на ограниченность доступности воспользоваться лечебно-оздоровительной помощи этих медицинских учреждений. Подчеркивается, что возможность населения воспользоваться услугами санаторий является интегральным показателем, в связи с этим она обуславливается демографическими, социально-экономическими факторами, и зависеть от морфофункционального состояния организма. Авторами предложены научно-практические рекомендации, сформированные на основе изучения и анализа мнения населения по повышению доступности воспользоваться услугами санаторий.

**Ключевые слова.** Санатория “Ханабад”, преемственность, льготный кредит, этио-экологопатогенетический подход, низкопроцентные кредиты “САНАТОРИЯ”, целевой “САНАТОРИЯ КРЕДИТИ”.